

## ИЧКИ ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНИГА ЁНДАШУВЛАР

*Назарова Барно Усарбайовна*

*Андижон машинасозлик институти*

*Мустақил тадқиқотчиси*

*Barnonazarova03@gmail.com, tel:*

*+998902170440*

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли таркибий ислохотлар жараёнида халқаро туризмнинг ривожланиши учун дастлабки шарт-шароитларни таркиб топишига асос яратувчи ички туризм фаолиятини ҳудудий ташкил этиш, унинг тузилиши ва ривожланиши билан боғлиқ жиҳатлар ҳамда ҳудудий тузилмалар таркибидаги туристик корхоналар фаолиятини бошқариш ҳудудлар иқтисодиётини макроиқтисодий мувозанатда ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Туристик салоҳият юқори бўлган ҳудудларни ривожлантиришда давлатнинг вазифаларидан бири туризм ва унинг тармоқларини ривожлантириш орқали фуқароларнинг дам олишга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун шароит яратишдан иборат.

Ички туризм фаолиятини ҳудудий жиҳатдан оқилона ташкил этиш ва бошқариш туризм соҳасини ривожлантиришда устувор аҳамият касб этади. Ички туризм фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва туристик объектларнинг географик жойлашуви ҳудудларда мавжуд ички туризм ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда мамлакат аҳолисининг туристик эҳтиёжларини қондиришда асосий ўрин эгаллайди.

Ички туризм фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ жараёнлар бугунги кунгача турли тадқиқотчилар ва олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш жараёнларига турлича ёндашувлар шаклланган. Тадқиқотларнинг монографик таҳлили назарий жиҳатдан “туристик дестинация”, “туризм кластери”, “туризм мажмуаси”, “туристик зона” ва “туризм тизими” каби таянч тузилмавий шаклларга турли ёндашувлар (функционал, иқтисодий-тармоқ, ҳудудий-тармоқ, ҳудудий-функционал ва инфратузилмавий ёндашувлар) алоҳида ажратган ҳолда кўриб чиқиш имконини беради (1-жадвал).

**Ички туризм фаолиятини амалга оширишнинг тузилмавий шаклларига  
ёндашувлар**

| Ички туризм фаолиятини ташкил этиш шакллари | Ёндашув тури ва мазмуни   | Муаллиф                       |
|---|---|-------------------------------|
| <b>Функционал ёндашув</b>                   |   |                               |
| Туристтик дестинация                        | Ички туризм хизматларига бўлган талабнинг бутун сегмент томонидан барча зарур муассасалар, ташкилотлар, турар жой объектлари, хизматлар ва кўнгилочар инфратузилмага эга бўлган саёҳатнинг мақсади сифатида танланган ижтимоий-географик ҳудуд.   | С.С.Николаев                  |
|   | Туристларни ресурслар билан жалб қилувчи ва туристлар учун турар жой, транспорт, озиқ-овқат ва ўйин-кулги учун шароит яратиб берувчи манзил.  | В.А.Квартальнов,<br>И.В.Зорин |
| Туризм кластери                             | Туризм кластери – географик жиҳатдан жамланган ва туристик маҳсулотни битта занжир бўйлаб ишлаб чиқариш ва сотишда ўзаро алоқадор бўлган иқтисодий агентлар: туристик хизматларни ишлаб чиқарувчилар - ихтисослашган хизматларни етказиб берувчилар - туристик хизматларни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар - истеъмолчилар мажмуи. | А.Е.Бойко                     |
| <b>Иқтисодий-тармоқ ёндашуви</b>            |   |                               |
| Туристтик мажмуа                            | Аниқ ҳудудда жамланган ҳамда унинг ресурслари ва ягона инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда технологик ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғланган, мутаносиб ривожланаётган тармоқлар ва корхоналар мажмуи.   | Е.С.Богомоллова               |
|   | <b>Инфратузилмавий ёндашув</b>  |                               |
|   | Ишлаб чиқариш, технологик, ресурс ва инфратузилма тизимлари кўринишида мураккаб таркибий қисмлар асосида фаолият юритувчи, ички туризм фаолиятининг умумий жараёнлари асосида ўзаро ҳамкорлик қилувчи ва  | Е.С.Богомоллова               |

|                                   |   |                                    |
|-----------------------------------|---|------------------------------------|
|                                   | аҳолига юқори сифатли хизматлар кўрсатувчи ихтисослашган корхоналар мажмуи.   |                                    |
| <b>Худудий-функционал ёндашув</b> |   |                                    |
| Туристик зона                     | Туризм инфратузилмасини яратиш, ривожлантириш ҳамда хизматлар кўрсатиш тадбирлари амалга ошириладиган ҳудуд.  | Л.П.Воронкова                      |
| <b>Худудий-тармоқ ёндашуви</b>    |   |                                    |
| Туризм тизими                     | Табиий-тарихий ва маданий мажмуалар, муҳандислик тузилмалари, хизмат кўрсатувчи ходимлар, дам олувчилар ва бошқарув органлари кўринишидаги ўзаро боғланган кичик тизимлардан иборат ижтимоий-географик тизим. Тизим функционал ва худудий яхлитлиги билан ажралиб туради. | В.С.Преображенский<br>И.И.Пирожник |

Ички туризм хизматларининг шакллари, уни ташкил этишнинг мураккаблиги ҳамда кўп қирралилигини ўзида акс эттириши фаолиятни бошқариш ҳамда бошқарув самарадорлигида ўз аксини топади. Ички туризм хизматлари соҳаси ва унинг таркибий қисмларига ёндашувларда айрим тадқиқотчилар туристик хизмат корхоналари жойлашган ҳудуднинг яхлитлигига алоҳида эътибор қаратишган бўлса, айрим тадқиқотчилар туристик ресурсларнинг ҳудуд билан боғлиқлигига эътибор қаратишган.

Ички туризм фаолиятини бошқариш яхлит ҳудуд доирасида жойлашган, ўз фаолиятини ягона мақсадга йўналтирган бир қанча соҳа ва тармоқларга тегишли корхоналардан ташкил топганлиги бошқарув жараёнини тизимли ёндашув асосида ташкил этиш лозимлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, тадқиқотга тизимли ёндашув тортишиш марказини объектни иқтисодий тизимни ташкил этувчи ўзаро боғлиқ элементлар тўплами сифатида “ички” тасаввурдан “ташқи”га кўчиришга асосланган, масалан, туристик корхона тадқиқотчилар томонидан макон ва вақт ичида ажратилган ташқи муҳитнинг бир қисми бўлган корхона ҳисобланади.

Тизимнинг ушбу таърифига асосланиб, ички туризмни мураккаб, қисман ўзини-ўзи бошқарадиган ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида ҳам тавсифлаш мумкин. Ушбу тизим, аслида, табиий, маданий, тарихий, инфратузилма, ташкилий ва техник йўналишларнинг таркибий қисмларининг бирикмасидир. Бу тизимга ички туризм хизматларини истеъмол қилувчи миждозлар томонидан истеъмол билан боғлиқ хизматларни ишлаб чиқарадиган ва сотадиган бозор иштирокчилари ва ҳудудлари ҳам бирлаштирилган.

Ҳар қандай тизимнинг, шу жумладан ички туризм тизимининг муҳим хусусиятларини тушуниш учун элементлар, қуйи тизимлар, хусусиятлар,

мақсадлар, функцияларнинг ўзаро таъсир йўналишларини аниқлаш керак. Ички туризм тизимининг асосий хусусиятларидан бири очиклик, яхлитлик, пайдо бўлиш, иерархия, барқарорлик ва синергия хусусиятларини, шунингдек мультипликатив таъсирнинг мавжудлигини ўз ичига олиши керак. Шундай қилиб, тизим сифатида қараладиган ички туризм объектив тизимни ўз ичига олади: яъни туристик маҳсулот, саёҳатлар, бозор ва туристик бизнеснинг ўзи, бу қабул қилувчи ҳудуднинг туристик мажмуасини оптималлаштиришга имкон беради. У туристик маҳсулотни шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёнида ривожланадиган ташқи ва ички муҳит шароитлари ва омилларини ўз ичига олган атроф-муҳит тизими билан ўзаро таъсир ва боғлиқликда фаолият олиб боради (1-расм).



**1-расм. Тизимли ёндашув асосида ички туризм ва унинг алоқалар йўналишларини амалга оширувчи жараёнлар**

Бирор бир мамлакат ички туризмни тизимли ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқишда ички туризмнинг муҳим хусусиятларини очиб берадиган категорияларни кўриб чиқиш лозим, чунки ушбу категориялар тизимли ёндашувда зарур бўлган тизим элементларининг мазмунини аниқлаштиради.

Ички туризм фаолиятини ривожлантиришда бошқариш жараёнларини кенгроқ тавсифлаш учун уларнинг таркибий элементларини ўзаро боғлиқлиги, шунингдек вақтинчалик хусусиятларини аниқлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак. Бошқарув жараёнларига тизимли ёндашув, маълум вақт оралиғидаги маълумотлар асосида туристик маҳсулотнинг таркибий қисмлари ривожланиш даражасини нафақат миқдорий, балки сифат жиҳатидан баҳолашга, туристик корхоналар фаолиятининг самарадорлигини аниқлашга имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда ички туризмни ривожлантириш жараёнларини тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқиб, ички муносабатларни аниқлаш учун узоқ вақт давомида кўрсаткичлар йиғиндисидеги ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида мамлакат ва минтақадаги ички туризмнинг ҳолатини ўрганиш керак. Ички туризмнинг ривожланиш даражасини тегишли мезон ва кўрсаткичлар тўплами бўйича баҳолаш тизимнинг барча таркибий элементларига оптимал равишда мос келиши ва фаолият кўрсатадиган жараёнларнинг ички тузилишидаги ўзгаришларнинг мураккаб хусусиятини ҳисобга олиши керак.

#### **Асосий адабиётлар**

1. Adilova Z.D., Aliyeva M.T., Norchayev A.N., Xursandov K.M. Turizm menejmenti: O'quv qo'llanma. -T.: TDIU, 2011. -116 b.
2. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. - Самарқанд: СамИСИ, 2006. - 137 б